

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ИСАКОВА ОЙГУЛ МАДАМИНЖОНОВА

**ТАРКИБИДА МАРГАНЕЦ ТУТУВЧИ БОЙИТИЛГАН
СУПЕРФОСФАТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Исакова Ойгул Мадаминжоновна

Таркибида марганец тутувчи бойитилган суперфосфат олиш
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Исакова Ойгул Мадаминжоновна

Разработка технологии получения марганецсодержащего обогащенного
суперфосфата 21

Isakova Oygul Madaminjonovna

Development of technology for obtaining manganese-containing enriched
superphosphate 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ИСАКОВА ОЙГУЛ МАДАМИНЖОНОВА

**ТАРКИБИДА МАРГАНЕЦ ТУТУВЧИ БОЙИТИЛГАН
СУПЕРФОСФАТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Т3437 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Зокиржон

техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хамдамова Шохид Шерзодовна

техника фанлари доктори, профессор

Алимов Умарбек Кадырбергенович

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2024 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.).

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

О.К. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.Ш. Шерқузиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

А.С.Боймирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда қишлоқ хўжалигига яроқли тупроқларнинг қисқариши ва дунё аҳолисининг кўпайиши туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш устувор вазифага айланмоқда. Бунда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалиётига интенсив технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш зарурати ҳосилдорликни оширишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Булар қаторига агросаноатни самарали минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши стимуляторлари, микроэлементли ўғитлар билан таъминлаш ҳам киради. Шу мақсадда ўсимликларни тўғри ривожланиши ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда микроэлементли мураккаб ўғитлар ассортиментини кўпайтириш ва қўллаш муҳим аҳамият касб қилади.

Бугунги кунда жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш мақсадида нафақат азот, фосфор ва калий тутган, балки бир қатор микроэлементли ўғитлар олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, микроэлементли оддий фосфорли ўғитлар олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишни; микроэлемент тузлари, ишлатилган катализаторлар, рангли металлургиянинг оралиқ маҳсулотлари ва чиқиндиларини ўғитлар ишлаб чиқариш шароитида кузатилган ҳолатларини ҳамда уларни тайёр маҳсулотнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини асослаш; микроэлементли хом ашёлардан фойдаланган ҳолда, микроэлементли оддий фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ўғитлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ва уларнинг миқдорини оширишга олиб келмоқда. Бунда микроэлементли ўғитлар ишлаб чиқаришда саноат иккиламчи ресурсларидан фойдаланиш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида “...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини ошириш ва ва саноат маҳсулоти ҳажмини 1,4 баробарга ошириш¹” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кимё саноати чиқиндилари ва табиий хомашё ресурсларидан ўғитлар ишлаб чиқаришда микроэлементлар манбалари сифатида фойдаланиш, микроэлементли оддий фосфорли ўғитлар олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, ўғит ишлаб чиқариш шароитида микроэлементлар тузлари, саноат маҳсулотлари ва рангли металлургия,

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarda Yangi O‘zbekistonni rivojlantirish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.

кимё саноати чиқиндилари ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 3-апрелдаги ПҚ-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестиция жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020-йил 28-декабрдаги ПҚ-4937-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари”, 2021-йил 13-февралдаги ПҚ-4992-сонли “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиши – VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар”га мувофиқ амалга оширилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Турли тузлар ва микроэлементли саноат чиқиндиларидан микроэлементли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича Набиев М. Н., Федюшкин Б.Ф., Тухтаев С., Осичкина Р.Г., Маннанова Р.А., Адилова М.Р., Усманов И. И., Тажиев С. М., Шамшидинов И. Т., Гумбатов М. О. ва бошқалар тадқиқотлар олиб бордилар.

Каталимов М. В., Пейве Я.В., Анспок П. И., Vortels Н., Viets E. G, Потатуева Ю.А., Шегров Л. Н. нинг тадқиқотлари, асосан микроэлементларнинг турли бирикмаларини олиш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш, тупроққа асосий қўллаш учун микроэлементларни киритиш нормаларини белгилаш, уруғларга экишдан олдин ишлов бериш, ўсимликларни илдиздан ташқари озиқлантириш, уларни турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари ва тупроқ учун қўллаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишга, микроэлементларнинг хом ашё базасини кенгайтириш ва уларнинг таснифига қаратилган.

Микроэлементлардан ўғитлар билан аралашмаларини олиш орқали фойдаланишнинг ишлаб чиқилган усуллари агрокимёвий нуқтаи назардан самарали эмас, бунда микроэлементлар тупроқда нотекис тақсимланади, сувда эрийдиган шаклда суғориш суви билан ювилиб кетади, сув ҳавзаларини ифлослантиради. Шу муносабат билан минерал ўғитлар таркибий қисмларини ўз ичига олган мураккаб тизимлардаги турли турдаги микроэлементларнинг ҳолатларини ўрганиш, микроэлементли янги турдаги ўғитларни ишлаб чиқариш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенгайтириш керак бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг AL-692205622 рақамли “Марказий Қизилқум фосфоритларини бойитишда ҳосил бўлган техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва шўрланган тупроқларда фойдаланиш учун азотли-кальцийли суюқ ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш” (2023-2025 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади марганец сульфат, саноат чиқиндилари ва марганец рудасидан фойдаланган ҳолда, Қоратоғ фосфоритларидан оддий фосфорли ўғит-бойитилган суперфосфат технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

марганецли хом-ашёдан марганецни ажратиб олиш даражасига технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш;

марганец фосфатларининг стандарт энталпияси, энтропияси ва иссиқлик сиғими қийматларини қиёсий ҳисоблаш усуллари билан аниқлаш ва марганец сульфат билан бойитилган суперфосфат асосий компоненти ва фосфор кислотасининг ўртасидаги реакциялар бориш имкониятини аниқлаш;

суюлтирилган эритмаларда марганец сульфатнинг кальций дигидрофосфат билан ўзаро таъсирини ўрганиш;

бойитилган суперфосфат ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган марганец бирикмаларини физик-кимёвий тадқиқотлари;

марганецли сульфат ва фосфор кислота эритмаларининг Қоратоғ фосфоритларини парчаланишига таъсирини ўрганиш;

марганец тутувчи бойитилган суперфосфат ишлаб чиқаришнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш, моддий оқим ва моддий баланс технологик схемасини тузиш ва ишлаб чиқиш;

марганец тутувчи бойитилган суперфосфат ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қоратоғ фосфоритлари ва улар асосидаги ЭФК, сульфат кислотаси, газ ҳолидаги аммиак, марганец бирикмалари, капролактама ва никотин кислотаси ишлаб чиқариш чиқиндилари, металлургия шлаки, марганец рудаси, бойитилган суперфосфатлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бойитилган суперфосфат олиш технологиялари, саноат чиқиндилари ва табиий хом ашёлардан марганецни ажратиб олиш жараёнлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари(рентгенографик, термогравиметрик, дифференциал термик, элемент таҳлил, спектрофотометрия, комплексометрия, ИҚ-спектроскопик, электрон микроскопик

сканерлаш) ва микроэлементларни ажратиб олиш технологиясининг анъанавий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат чиқиндилари ва табиий хом ашёлардан сульфат ва фосфор кислота эритмалари орқали марганецни ажратиб олишнинг мақбул технологик параметрлари аниқланган;

биринчи марта марганец фосфатларининг термодинамик хусусиятлари турли усуллар билан ҳисоблаб чиқилган ва марганец сульфатнинг фосфор кислотаси ва монокальций фосфат билан ўзаро таъсирида марганецнинг дигидро- ва гидрофосфатлари ҳосил бўлиш эҳтимоллиги аниқланган;

марганец сульфат бойитилган суперфосфат компонентлари билан ўзаро таъсирлашиб $MnSO_4 \cdot (NH_4)_2SO_4 \cdot 6H_2O$, $Mn(H_2PO_4)_2$, $MnHPO_4$ бирикмаларини ҳосил қилиши исботланган;

марганец сульфатнинг сувли эритмалардаги монокальций фосфат билан ўзаро таъсир монокальций фосфат гидролизи ва кальций сульфат дигидрати ва марганец гидрофосфат ҳосил бўлиши билан давом этиши аниқланган;

марганец сульфат ёрдамида бойитилган суперфосфат ишлаб чиқариш жараёнида фосфат хом ашёсининг парчаланиш даражасининг ошиши эритмадаги кальций ионининг концентрация градиентининг кўтарилиши натижасида эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

натрий сульфит ёки гидразин иштирокида марганецни сульфат ва фосфор кислоталари эритмалари билан ажратиб олиш орқали бойитилган суперфосфат ишлаб чиқаришга саноат чиқиндилари, табиий марганецни ўз ичига олган хом ашёни жалб қилиш имконияти аниқланган;

натрий сульфит ёки гидразинни қўшимча киритиш орқали саноат чиқиндилари ва табиий хом ашёдан марганецни сульфат ва фосфор кислоталари эритмалари билан максимал даражада олиш имконини берувчи техник ечим ишлаб чиқилган;

фосфат хом ашёсини марганец тутувчи сульфат ёки фосфат кислоталари билан парчалаш орқали бойитилган суперфосфат олиш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. ИҚ-спектроскопия, термогравиметрик таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, рентгенографик таҳлил каби усуллари, термодинамик ҳисоблар, экспериментал натижалар ҳамда жорий этиш бўйича олинган далолатномалар ва агрохимёвий синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган маҳсулотлар – таркибида марганец тутувчи чиқиндилар ва табиий материаллардан фойдаланган ҳолда таркибида марганец тутувчи Қоратоғ фосфоритлари асосида комплекс озуқа элементлари бўлган оддий

фосфорли ўғит-бойитилган суперфосфат олиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат чиқиндилари ва табиий фойдали қазилмалардан марганец микроэлементини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш, оддий фосфорли ўғит – таркибида марганец бўлган бойитилган суперфосфат олиш технологиясини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган технологиядан фойдаланган ҳолда ўғитнинг экспериментал партиясини чиқариш билан тажриба-саноат шароитида синовдан ўтказишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Саноат чиқиндилари ва табиий хом ашёлардан марганецни ажратиб олиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг олинган илмий натижалари асосида:

Дауташ конининг таркибида марганец тутувчи рудасидан марганецни ажратиб олиш технологияси “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг “2024-2027 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалари рўйхати”га киритилган (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2023 йил 1 декабрдаги 61-63-412-сон маълумотномаси). Натижада, кислота эритмаларида марганецнинг ажратиб олиш даражасини 99,8% гача орттириш имконини беради;

металлургия ишлаб чиқариш чиқиндиси – фосфат шлакдан фойдаланган ҳолда Қоратоғ фосфоритлари асосида марганецли бойитилган суперфосфат олиш технологияси “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг “2024-2027 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалари рўйхати”га киритилган (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2023 йил 1 декабрдаги 61-63-412-сон маълумотномаси). Натижада, металлургия ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги учун самарали бўлган 23,5-25,0% $P_2O_{5\text{сумумий}}$, 22-24% $P_2O_{5\text{ўзлашувчан}}$, 18-20% $P_2O_{5\text{сувли}}$, 1,31% Mn таркибли бойитилган суперфосфат олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 халқаро ва 7 республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий ишлар, шу жумладан, 5 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган 2 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 125 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзу бўйича тадқиқот олиб боришнинг долзарблиги


ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий жиҳатлар кўрсатилган, тадқиқотнинг натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берилган ҳамда диссертация ва нашр этилган ишлар тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Микроэлементли ўғитларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати”** да микроэлементларнинг ўсимликлар ҳаётидаги ўрни, уларнинг тупроқдаги таркиби, оддий фосфорли ва мураккаб азот-фосфорли ўғитлар таркибидаги ҳолати, микроэлементли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳолати, уларни олиш усуллари кўрсатилган. Адабий манбаларни танқидий таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Хомашё материалларининг тавсифи ва тажриба намуналарининг физик-кимёвий тадқиқот усуллари”** деб номланиб, таркибида марганец тутувчи саноат чиқиндилари ва табиий рудаларнинг хусусиятлари, ишлатилган кислоталар, кимёвий моддалар, шунингдек, кимёвий таҳлиллар ва физик-кимёвий тадқиқотлар ўтказиш усуллари бағишланган.

Диссертациянинг учинчи **“Таркибида марганец тутувчи саноат чиқиндилари ҳамда марганец рудаси таркибидан марганецни ажратиб олиш”** боби таркибида марганец микроэлементини тутувчи саноат чиқиндилари, никотин кислотаси, капролактама, Дауташ конининг марганец тутувчи рудаси таркибидан марганецни ажратиб олиш жараёнини ўрганишга бағишланган.

25 ва 85°C температура, Қ:С = 1:10 ва жараён давомийлиги 30 минутда сульфат кислотанинг 5% дан 93%гача концентрацияси таъсири ўрганилиб, никотин кислотаси ишлаб чиқариш чиқиндиси - пиролюзит(63,5% MnO₂, 3,2% K₂O, 0,35% никотин кислотаси тузи)дан 5-30% сульфат кислота эритмасига марганецни ажратиш даражаси 25°C температурада 2,9% дан ва 85°C температурада 7,1% дан кўтарилмаслиги, 40 ва 60% кислота концентрацияда эса 25°C да мос равишда 3,1% ва 8,5% га ва 85°Cда 7,3% ва 30,1%га ортиши аниқланди. Сульфат кислотаси концентрациясининг 60




1-расм. Марганецни сульфат кислотаси таркибига концентрация ва ҳароратга боғлиқ ҳолда ажралоши

дан 93% гача янада оширилиши марганецни ажратиш даражасини 25°C да 3,5% гача, 85°C да 10,8% гача пасайишига олиб келади(1-расм). Экстракцион фосфат кислотаси

ёрдамида никотин кислотаси чиқиндиларидан марганецни ажратиб олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, 85°C ҳароратда

ажратиб олиш жараёнининг давомийлиги 10 минутда Қ:С 1:5 дан 1:20 гача ўзгариши билан марганецнинг пиролюзитдан ажралиши 6,3% дан 16,7% гача ошади.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, марганецни ажратиб олиш даражаси жуда паст. Экстракция даражаси марганецнинг бошқа манбалари, масалан, сульфат ва фосфат кислоталари эритмалари учун ҳам пастдир. Никотин кислотаси чиқиндиларидан марганецни сульфат ва экстракцион фосфат кислотаси таркибига ажратиб олиш даражасини ошириш учун қайтарувчи моддалар сифатида оксалат кислотаси, натрий сульфит ва гидразиндан фойдаланилди. Оксидловчи-қайтарувчи потенциалдан келиб чиқган ҳолда натрий сульфит ($E_o = +0,17V$), оксалат кислотаси ва гидразин ($E_o = +1,0V$) марганец диоксида ($E_o = +1,23 V$) икки валентли эрувчан марганец бирикмасини ҳосил қилиш билан қайтаради:




15%, 40% ва 50% сульфат кислота эритмаларида никотин кислотаси ишлаб чиқариш чиқиндиларидан марганецни ажратиб олиш даражасига реакция аралашмасидаги (0,5-5%) гидразин концентрациясининг таъсири ўрганилди.

Кислота концентрациясининг ошиши билан марганецнинг эритмага ўтиш даражаси пасаяди. Шундай қилиб, 3,3% гидразин мавжуд бўлганда, микроэлементнинг 15%, 40% ва 50% сульфат кислота эритмаларида ажратиб олишга мос равишда 91,2, 49,0 ва 27,6% ни ташкил қилади. Оптимал шароитда (Қ:С=1:10, ҳарорат 85°C қайтарувчи концентрацияси 4-4,5%) никотин кислотаси ишлаб чиқариш чиқиндиларидан 99% гача марганец 15% ли сульфат кислотасига ўтади.

Натрий сульфит ва гидразин концентрациясининг чиқиндилардан марганецни экстракцион фосфат кислотага ажратиб олишга таъсири Қ:С=1:10 ва 85°C ҳароратда ўрганилди. Қайтарувчи моддаларнинг кўпайиши билан микроэлементнинг ЭФКга ўтиш даражаси ошади.

Шундай қилиб, 1,8-5% натрий сульфит ва гидразин иштирокида, ЭФК никотин кислотаси ишлаб чиқариш чиқиндиларидан марганецни ажратиб олиш 82,5-84,6% гача кўтарилди (2-расм). Иш учун, таркиби (оғ.%):

Mn-52,2, SiO₂-9,1, MgO-1,2, CaO-4,5, K₂O-0,2, Fe₂O₃-2,2, Na₂O-0,1, Al₂O₃-1,2, P-0,012-0,016, S-0,01%, намлик-7,1 марганец концентратидан ҳам



2-расм. Марганецни ЭФКга гидразин иштирокида ажратиб олиш даражаси

фойдаланилди. 15% ли сульфат кислота эритмаси билан Қ:С=1:10, давомийлиги 30 минут, ҳарорат 85°C да рудадан марганецни ажратиб олиш даражасига реакция аралашмасидаги оксалат кислотаси концентрациясининг таъсири ҳам ўрганилди. Оксалат кислотаси концентрациясининг 1,8% дан 4,3% гача кўтарилиши билан микроэлементнинг экстракция даражасини кўшим-чаларсиз тажрибаларга қараганда 2-3 баравар юқорига 54,7 дан 84,5% гача ўсиб бориши аниқланди.

Оптимал шароитларда (15% сульфат кислота эритмаси, Қ:С=1:20, реакция аралашмасидаги оксалат кислота концентрацияси 4,3%, ҳарорат 85°C), марганецнинг ўтиш даражаси 99,8% га этади (1-жадвал).

1-жадвал

Рудадан марганецни оксалат кислота иштирокида сульфат кислота эритмалари билан ажратиб олиш

№ т/р	Оксалат кислотаси концентрацияси, %	Ажратиб олиш даражаси Мп, %	Тадқиқотни бориш шароитлари
1.	-	29,4	15% сульфат кислота эритмаси, Қ:С=1:10, вақт 30 мин., ҳарорат 85°C.
2.	1,8	54,7	
3.	2,6	68,6	
4.	4,3	84,5	
5.	-	29,4	15% сульфат кислота эритмаси, Қ:С=1:20 Вақт 30 мин., ҳарорат 85°C.
6.	1,8	71,7	
7.	2,6	95,6	
8.	4,3	99,8	

Оксалат кислотаси концентрациянинг таъсири ўрганилди ва оксалат кислотаси концентрациясининг 1,8% дан 4,3% гача кўтарилиши билан ЭФКда микроэлементни ажратиб олиш даражаси 19,5% дан 100,0% гача кўтарилиши аниқланди [2-жадвал].

2-жадвал

Оксалат кислотасининг рудадан 85°C да экстракцион фосфат кислота ёрдамида марганецни ажратиб олиш даражасига таъсири

Оксалат кислота концентрацияси, %	Марганецни ажратиб олиш даражаси, %	Тадқиқотни бориш шароити
-	16,3	Қ: С=1:10 Вақт 10 минут
1,8	54,7	
2,6	66,3	
4,3	84,5	
-	19,5	Қ: С=1:20 Вақт 10 минут
1,8	95,6	
2,6	99,2	
4,3	100	

Капролактама ишлаб чиқариш бир қатор чиқиндиларнинг шаклланиши билан боради, улар аслида иккиламчи моддий ресурслардир.

Капролактама чиқиндиси намуналари турли жойларидан тўпланган ўртача(оғ.%): 12,2 MnO₂, 52,2 капролактама, 22,2 инфузори тупроқ

таркиблидир. Капролактама сувда яхши эрийди. Шунинг учун биз КПТЧ(капролактама перманганатли тозалаш чиқиндиси)дан капролактама ювиш жараёнини ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотни 85°C ҳароратда, Қ:С=1:(1, 2, 3) ва аралаштириш 5, 10, 15 ва 30 дақиқаларда ўтказилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалдан кўришиб турибдики Қ:С=1:2 ва аралаштириш жараёнининг давомийлиги 30 минутда капролактама чиқиндилардан иссиқ сув билан осон ювилади.

3-жадвал

Қаттиқ ва суяқ фазалар нисбати ва жараён давомийлигини КПТЧ ни капролактамадан ювиш даражасига таъсири

№ т/р	Омиллар	Ювиш даражаси, %	Тадқиқотни бориш шароити
Қ:С таъсири			
1	1:1	89,7	Т = 15 мин
2	1:2	98,9	
3	1:3	99,0	
Жараён давомийлигини таъсири			
4	5	98,9	Т: Ж = 1:2
5	10	98,9	
6	15	99,0	
7	30	99,2	

Натрий сульфит ва гидразин концентрациясининг ювилган чиқиндидан марганецни сульфат кислота ва ЭФК эритмаларига 85°C ва Қ:С=1:10 да ажратиб олишга таъсири ўрганилди(4-жадвал).

4-жадвал

Натрий сульфит ва гидразин иштирокида марганецни ЭФК га ажратиб олиш даражаси

№ т/р	Омиллар	Ажралиш даражаси Мп, %	Тадқиқотни бориш шартлари
Киририлган натрий сульфит, %			
1.	-	15,2	Қ: С=1:10 Вақт 10 мин. харорат 85°C
2.	1,8	41,8	
3.	2,6	53,3	
4.	4,3	62,2	
5.	5,0	65,1	
Киририлган гидразин, %			
6.	-	15,2	Қ: С=1:10 Вақт 10 мин харорат 85°C
7.	1,8	23,5	
8.	2,6	62,6	
9.	4,3	82,2	
10	5,0	85,6	

Реакция аралашмасидаги қайтарувчи моддалар концентрациясининг 1,8 дан 5% гача ошиши билан марганецни ажратиб олиш ортади. КПТЧдан сульфат кислотанинг 15% эритмасида натрий сульфит иштирокида 65,1%

марганецга ўтади. Шундай шароитда гидразин таъсирида микроэлементларнинг ажралиши 23,5% дан 85,6% гача ошади.

Тўртинчи боб “Фосфорли ўғитларни олиш шароитида марганецнинг ҳолатларини ўрганиш” марганец фосфатларининг термодинамик хусусиятларини, уларнинг оддий фосфорли ўғитларни олиш шароитидаги ҳолатларини ўрганишга бағишланган.

Фосфорли микроэлемент тутувчи ўғитларни олиш жараёнлари турли микроэлемент тузларининг ортофосфат, сульфат кислоталар ва уларнинг тузлари билан ўзаро таъсир реакцияларига асосланади, бунинг натижасида микроэлементли фосфатларининг турли бирикмалари ҳосил бўлиши мумкин.

Адабиётларда жараёнлар назарияси масалалари етарлича ёритилмаган ва уларнинг термодинамикаси тўғрисида жуда кам маълумот мавжуд. Бу камчиликнинг сабаби микроэлементли фосфатлар термодинамикаси ҳақидаги маълумотларнинг ўта камлигидир. Шунинг учун биз баъзи марганец бирикмаларининг термодинамик хусусиятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйилди. Термодинамик хусусиятларни баҳолаш учун биз кальций фосфатлар ҳосил бўлишининг стандарт иссиқлиги ва энтропиясининг маълум, экспериментал равишда топилган қийматларини асос қилиб олган ҳолда қиёсий ҳисоблаш усуллари қўлланди.

Стандарт ҳосил бўлиш иссиқлигини М. Н. Карапетьянц ва “фарқларнинг доимийлиги” усули ёрдамида аниқланди. Марганец фосфатларининг стандарт энтропиясини ҳисоблаш учун Бергло принциpidан фойдаланилди, унга кўра кимёвий яқинлик ўлчови реакциянинг иссиқлиги, шунингдек М. Н. Карапетьянц усули ва ионли энтропия ўсишининг Келли тизими, марганец фосфатларининг стандарт энтропиялари топилди.

Турли усуллар билан олинган термодинамик константалар бир-бирига мос келади. Микроэлементли фосфатларнинг иссиқлик сиғими Н. А. Ланди усули билан аниқланди, бу моддаларнинг юқори ҳароратли иссиқлик сиғимларини уларнинг стандарт энтропияси қиймати бўйича ҳисоблаш имконини беради. Марганец фосфатларининг энтальпиялари, энтропиялари ва иссиқлик қувватларининг қийматларини аниқлаб, марганец сульфат тузларининг фосфат кислотаси, аммоний дигидро- ва гидрофосфат, кальций дигидрофосфат билан ўзаро таъсирини термодинамик ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилди (5-жадвал).

5 - Жадвал

Марганец фосфатлари энтальпиясини ҳисоблаш натижалари

Бирикмалар	Н ^o ₂₉₈₅ кДж/моль	
	Карапетьянц усули бўйича	«Фарқлар давомийлиги» усули бўйича
Mn(H ₂ PO ₄) ₂	2574,49	2809,47
MnHPO ₄	1495,79	1514,91
Mn ₃ (PO ₄) ₂	3738,81	3821,84
Mn ₂ P ₂ O ₇	2967,31	3028,35

Ҳисоб-китоблар натижалари шуни кўрсатдики, 25°C ҳароратда марганец сульфат фосфат кислотаси ва кальций дигидрофосфат билан ўзаро таъсир қилиб, марганец гидрофосфатини ҳосил қилади (6-жадвал).


Марганец сульфатни ўз ичига олган фосфат кислотасини аммонизация қилиш бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рН ортиши билан кетма-кет равишда марганец гидрофосфат, марганец гидрофосфат ва марганец аммоний фосфатлар аралашмалари ҳосил бўлади.

6-жадвал

Марганец тутувчи фосфор кислотасини аммонизация қилиш жараёнида ҳосил бўлган қаттиқ фазани кимёвий таҳлил натижалари

Бўтка рН	HPO_4^{2-} , %	Mn^{2+} , %	NH_3 , %	Моль нисбатларда $\text{HPO}_4^{2-} : \text{MnO} : \text{NH}_3$	Қаттиқ фаза
3,3	54,5	35,4	-	1 : 0,98 -	[MnHPO ₄]
3,5	54,1	35,7	-	1 : 1,00 -	
3,7	53,8	35,5	2,8	1 : 1,00 : 0,29	[MnHPO ₄] + [MnNH ₄ PO ₄]
4,0	52,0	35,1	3,2	1 : 1,02 : 0,35	
4,5	51,2	34,7	3,9	1 : 1,02 : 0,43	
4,8	50,05	33,2	6,0	1 : 0,99 : 0,67	
5,3	49,8	32,5	9,0	1 : 0,98 : 1,02	[MnNH ₄ PO ₄]
5,7	49,3	32,5	8,7	1 : 1,00 : 1,00	
6,5	49,6	32,0	8,9	1 : 0,98 : 1,01	

рН 3,3-3,5 да олинган қаттиқ фазанинг кимёвий таҳлили 35,4-35,7% Mn^{2+} ва 54,1-54,5% HPO_4^{2-} таркибда азотнинг йўқлигини кўрсатди ва бу билан MnHPO_4 (назарий таркиб Mn^{2+} 35,8%, HPO_4^{2-} 54,1%) бирикма ҳосил бўлганини кўрсатади. Кимёвий таҳлил натижалари 6 ва 7 жадвалларда келтирилган.



3-расм. $[\text{MnSO}_4(0,01\text{M})]$ ва $[\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2(0,01\text{M})]$ нисбатларда компонентлар системасидаги физик-кимёвий ўзгаришлар

рН 3,7-4,8 оралиғида кимёвий таҳлил Mn^{2+} и HPO_4^{2-} лар билан бир қаторда 2,8-6,0% NH_3 ни борлигини кўрсатди ва бу марганец гидрофосфат ва марганецаммонийфосфат тузларини чўкмага тушганини ифода қилади.

рН 5,3-6,5 да олинган қаттиқ фазанинг кимёвий таҳлили 32,0-32,5% Mn^{2+} , 49,3-49,8% HPO_4^{2-} ва 8,7-9,0% NH_3 таркибли MnNH_4PO_4

(назарий таркиб Mn^{2+} 35,8%, HPO_4^{2-} 54,1%)ли бирикмага мос келади. Бойитилган суперфосфат ишлаб чиқаришда марганец сульфатнинг

ҳолатларини физик-кимёвий асослаш учун марганец сульфатнинг монокальций фосфат билан 0,01 М эритмаларда изомолар серияли ўзаро таъсири ўрганилди.

3-расмда рН, ковшоқлик, зичлик, ёруғликнинг синиш кўрсаткичлари ва эритмаларнинг кристалланиш ҳарорати ўзгаришининг тизимдаги компонентлар нисбатига боғлиқлиги натижалари кўрсатилган $[MnSO_4 (0,01M)]$ ва $[Ca(H_2PO_4)_2 (0,01M)]$. Расмдан кўриниб турибдики, 0,01 М эритмага 0,01 М монокальцийфосфат эритмаси қўшилганда $[MnSO_4 (0,01M)] : [Ca(H_2PO_4)_2 (0,01M)] = 1:9$ нисбатда аралашмада ўзгариш юз беради. Лекин бу нисбатлар системада ҳар қандай жараённинг бориши учун тўғри келмайди. Шунинг учун $[10\% MnSO_4 + 90\% H_2O]$ ва $[Ca(H_2PO_4)_2 (0,01M)]$ системасида жараён боришини ўрганилди ва бу маълумотлар 0,01 М эритмалардаги натижаларни тасдиқлади. Бу марганец сульфатнинг бошланғич ҳолатидан қатъий назар унга монокальцийфосфатдан оз миқдорда қўшилганда ҳам эритманинг таркибида ўзгариш кузатилади.

Бешинчи боб, **“Таркибида марганец тутувчи бойитилган суперфосфат олиш технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланиб, марганец билан бойитилган суперфосфат олиш жараёнига технологик параметрларнинг таъсирини ўрганишга бағишланган.

Микроэлементли ўғитлар ишлаб чиқариш муаммосининг муваффақиятли ривожланиши микроэлементларни ўз ичига олган хом ашёнинг оқилона манбаларини излаш билан боғлиқдир. Шу муносабат билан марганец билан бойитилган суперфосфатларни олиш учун никотин кислота ишлаб чиқариш чиқиндилари - пиролюзит (60-65% MnO_2), (5,3-5,8% MnO_2) фосфат шлаклари, (48-56% MnO_2) марганец рудаси, 6-14% MnO_2 капролактамни перманганатли тозалаш чиқиндилари (КПТЧ) ишлатилган.

24,8% P_2O_5 , 40% CaO , 3,08% MgO , 1,04% Al_2O_3 , 1,0% Fe_2O_3 , 6,0% CO_2 таркибли Каратоғ фосфоритларининг сульфат ва фосфат кислоталари аралашмаси билан парчаланишини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Сульфат кислота истеъмоли монокальцийфосфат ишлаб чиқаришда бўлгани каби, кальций сульфат, магний сульфат, темир ва алюминий сульфатлар ҳосил бўлиши учун ҳисоблаб чиқилган. Бунинг учун реакторга олдиндан белгиланган миқдорда 15% сульфат кислота ва 5% гидразин ёки натрий сульфит қуйилди, аралашмани 85 °С гача қиздирилди ва таркибида марганец бўлган чиқиндидан Қ:С = 1:10 нисбатига риоя қилган ҳолда киритилди ва 30 дақиқа давомида аралаштирилди. Олинган марганецли 70,0% сульфат кислотаси эритмасини стехиометрик умумий меъёрга риоя қилган ҳолда фосфоритни 20% ёки 30% стехиометрик парчаланишига боғлиқ равишда 21% ЭФК киритилди.

Каратоғ фосфоритининг марганец ўз ичига олган чиқиндилар билан кислоталар аралашмасида фосфор хом ашёсининг юқори даражада парчаланиши оқим схемаси бўйича юқори тезликда давом этиши аниқланди, бу қисқа вақт ичида (2 соат) ярим маҳсулотни олиш имконини

беради. Кислотали бўтқаларни нейтраллаш газсимон аммиак билан амалга оширилди. Бўтқа, шунингдек тайёр маҳсулот азот, фосфор ва марганец учун таҳлил қилинди. 7-жадвалда ЭФК нинг юқори меъёрининг марганецни ўз ичига олган бойитилган суперфосфатнинг кимёвий таркибига таъсири тўғрисида олинган маълумотлар кўрсатилган.

7 - Жадвал

Ортиқча ЭФК нормасининг суперфосфат билан бойитилган марганец таркибидаги кимёвий таркибига таъсири

№	ЭФК меёри, %	рН	N, %	Марганец, %			P ₂ O ₅ , %			$\frac{P_2O_{5\text{ўзл.}}}{P_2O_{5\text{умум.}}} \times 100$,	$\frac{P_2O_{5\text{с.э}}}{P_2O_{5\text{умум.}}} \times 100$,
				Умум	Ўзл.	Сув.	Умум.	Ўзл.	Сув.		
Марганецсиз бойитилган суперфосфат											
1.	20	3,12	3,18	-	-	-	21,34	20,09	19,74	94,15	92,51
2.	30	3,45	3,48	-	-	-	25,27	24,33	21,11	96,28	83,52
Никотин кислотаси чиқиндиси киритилган											
3.	20	3,15	3,21	0,51	0,51	0,89	21,17	20,15	19,81	95,18	93,57
4.	30	3,30	3,36	0,51	0,51	0,47	25,07	24,39	21,17	97,29	84,44
КПТЧ киритилган											
5.	20	3,19	3,27	0,48	0,48	0,47	20,49	19,52	19,17	95,26	93,55
6.	30	3,52	3,56	0,48	0,48	0,45	24,26	23,39	20,17	96,41	83,14
Руда киритилган											
7.	20	3,08	3,01	0,50	0,50	0,46	21,13	20,12	19,77	95,22	93,56
8.	30	3,48	3,49	0,50	0,50	0,45	25,02	24,11	20,89	96,36	83,49

Жадвалдан кўришиб турибдики, бойитилган суперфосфатнинг кислотали бўтқаси аммиак гази билан рН 3,1-3,5 гача нейтралланганда, P₂O₅ нинг ўзлашувчан шакллари йўқолмайди ва уларнинг таркиби 19,52-24,39% ни ташкил қилади. P₂O₅ нинг умумий шаклининг миқдори марганец ўз ичига олган чиқиндиларнинг эрувчан миқдори ортиши билан камаяди.

Бойитилган суперфосфат олиш жараёнига марганецни ўз ичига олган чиқиндиларни киритиш P₂O₅ нинг ўзлашувчан бўладиган шакллари улушини бироз оширади. P₂O₅ нинг сувда эрийдиган шакларининг миқдори рН га боғлиқ ҳолда бироз ўзгаради. рН нинг ошиши P₂O₅ нинг сувда эрийдиган шаклининг шаклини камайтиради.

ЭФК киритилиш меёридан қатъий назар марганец таркиби бутунлай ўзлашувчан ҳолатда сақланади. рН 3,1-3,5 да марганецнинг сувда эрийдиган шакли бироз пасаяди, унинг миқдори микроэлемент киритилган миқдорининг 10% дан ошмайди.

Марганецни бойитилган суперфосфат таркибига киритиш нафақат ўғитнинг кимёвий таркибидаги ўзгаришларга олиб келиши, балки суперфосфатнинг физик-кимёвий ва тижорат хусусиятларига ҳам таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун таққослаш учун марганец ва микроэлементсиз ўғитлар бўлган бойитилган суперфосфат гранулаларининг гигроскопиклигини, сорбцион намлик қобилятини ва мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Аммиакли

бойитилган суперфосфатнинг физик-кимёвий хусусиятлари тўғрисида олинган маълумотлар 8-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, марганец таркибидаги чиқиндиларни тайёр ўғитга 0,5% Mn микдориди киритиш бойитилган суперфосфатнинг физик-кимёвий хусусиятларига деярли таъсир қилмайди. Гигроскопик нуқта 48,83-52,05% ичида қолади ва аммонизация даражаси рН га кўпроқ боғлиқ бўлади.

8-жадвал

Марганецни ўз таркибига олган бойитилган суперфосфатнинг физик-кимёвий хусусиятлари

№	рН	P ₂ O ₅ ,%	Гигроскопик нуқта, %	Намлик, % H ₂ O		Гранулалар мустаҳкамлиги, кгс/см ²
				62,0	81,5	
Марганецсиз бойитилган суперфосфат						
1.	3,12	21,34	69,12	3,69	4,51	21,88
2.	3,45	25,27	71,54	0,39	3,18	22,48
Никотин кислотаси киритилган						
3.	3,15	21,17	69,69	3,01	3,27	22,61
4.	3,30	25,07	71,16	0,95	3,55	23,52
КПТЧ киритилган						
5.	3,19	20,49	70,45	2,53	4,05	23,10
6.	3,52	24,46	72,05	0,78	3,54	24,33
Руда киритилган						
7.	3,08	21,13	68,83	4,21	4,73	22,10
8.	3,48	25,02	71,76	0,66	3,29	24,13


62,0 ва 81,5% ҳавонинг нисбий намлигида олинган бойитилган суперфосфат намуналарининг намлик сифими ҳам рН нинг юқори даражасида 4 та ўғит намуналарининг намлик сифими ҳам юқори эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, рН 3,48 да нисбий намлик 62,0% ва 81,5% бўлганда, руда шаклида марганец кўшилиши билан бойитилган суперфосфатнинг намлик сифими мос равишда 4,21% ва 4,73% ни, рН 3,48 да эса 0,66% ва 3,29% ни ташкил қилади. Буни аммонизация пайтида кислотали суперфосфат таркибидаги эркин фосфат кислотаси нейтраланиши билан изоҳлаш мумкин, бу эса суперфосфатнинг сорбцион намлик сифимининг кескин пасайишига олиб келади.

Пружинали тарозилар ёрдамида суперфосфат намуналари гранулаларининг кучини ўрганиш шуни кўрсатадики, микроэлементларнинг мавжудлиги бойитилган суперфосфат гранулаларининг мустаҳкамлигига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Олинган натижалар асосида марганец таркибли бойитилган суперфосфат ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган. 4-расмда марганец таркибли бойитилган суперфосфат ишлаб чиқаришнинг асосий технологик схемаси кўрсатилган. Реактор(1-тасвир)га 15%ли сульфат кислота сифим(2-тасвир)дан тақсимлагич(3-тасвир) орқали берилади, бункер(4-тасвир)дан меёрлагич(5-тасвир) орқали марганец

таркибли чиқинди тушади, реакторда Қ:С=1:10, 85°C ҳарорат, 30 дақиқа аралаштиришга амал қилган ҳолда, сиғим(6-тасвир)дан меёрлагич(7-тасвир) орқали натрий сульфит ёки гидразин берилади. Ҳосил бўлган ювилган марганецли эритма реактордан (1-тасвир) меёрлагич (8-тасвир)орқали реактор(9-тасвир)га тушади, у ерга концентранган сульфат кислота сиғим(10-тасвир)дан тушади.



4-расм. Марганец таркибли бойитилган суперфосфат олишнинг технологик схемаси: 1,9-реактор; 2,6,10,12-контейнер; 3,5,7,8,11,13,15-меёрлагич; 4-бункер; 14-бункер; 16-аммонизатор; 17-оралиқ контейнер; 18-насос; 19-БГҚ; 20-циклон; 21,29-скруббер; 22-майдалагич; 23-майдалагич; 24-гранулаларни совутгич; 25-конвейер; 26-элеватор; 27-иситгич; 28-циклон; 30-клапан; 30-фильтр.

Тақсимлагич(1-тасвир) орқали бункер(12-тасвир)дан тақсимлагич(13-тасвир) орқали фосфат хом-ашёси берилади, сиғим(14-тасвир)дан меёрлагич(15-тасвир) орқали ЭФК тушади. Вақт давомийлиги охирлагач парчаланган пульпа (поз.9) реактордан аммонизатор(16-тасвир) га тушади. Аммонизацияланган бўтқа оралиқ сиғим(17-тасвир)га тушади ва насос(18-тасвир) билан барабанли донадорлагичнинг форсункаси(19-тасвир)га узатилади, у ерга бир вақтда колорифер(27-тасвир)дан иссиқ ҳаво юборилади. БГҚ дан суперфосфат элакка киради. Катта фракция майдалагичга киради ва элакка қайтади. Тайёр маҳсулот омборга келади ва истеъмолчиларга юборилади.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий натижалари қуйдагилар ҳисобланади:

1. Никотин кислотаси, капролактама, фосфат шлаклари ва марганец таркибли руда саноат чиқиндиларидан Қоратоғ фосфоритларидан сульфат ва экстракцион фосфат кислотаси эритмалари билан марганец микроэлементини олиш ҳолатига турли технологик параметрларнинг таъсири ўрганилди. Қайтарувчи воситалар натрий сульфит, оксалат кислотаси, гидразин ва жараённинг ҳарорати марганецни ажратиш олиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. 99,0% дан ошадиган марганецни максимал даражада ажратиш олиш учун мақбул шартлар аниқланди.

2. Биринчи марта қиёсий ҳисоблаш усуллари билан фойдаланган ҳолда

марганец фосфатларининг стандарт энтальпияси, энтропияси ва иссиқлик сиғими қийматлари аниқланди ва термодинамик ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, бойитилган суперфосфат олиш шароитида марганецнинг оддий фосфатлари ҳосил бўлиши мумкин.

3. Марганец сульфатнинг бойитилган суперфосфатнинг асосий таркибий қисмлари билан изомолар серияли усулда суюлтирилган 0,01 М эритмаларда ўзаро таъсирини ўрганилди. Электр ўтказувчанлиги, рН, қовушқоқлик ва зичликдаги ўзгаришлар компонентларнинг моляр нисбатида экстремал қийматларга эга эканлиги кўрсатилган. Юқори концентранган эритмалардан 1:9 моляр нисбатда чўкиндида кальций сульфатнинг дигидрати ва марганец гидрофосфат ҳосил бўлишини кўрсатди, бу монокальций фосфат гидролизини ва кальций гидрофосфатнинг марганец сульфат билан марганец гидрофосфат ҳосил бўлиши билан ўзаро таъсирини кўрсатади.

4. Марганецли бойитилган суперфосфатнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва тижорат хусусиятларига таъсири ўрганилди ва ўғит вазнининг 0,5% миқдорида марганецнинг киритилиши бойитилган суперфосфат хусусиятларининг ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

5. Саноат чиқиндиси бўлган никотин кислота, капролактама, фосфат шлаклари ва таркибида марганец тутувчи руда ёрдамида бойитилган суперфосфат ишлаб чиқариш усуллари ўрганилди. Микроэлементларнинг физик-кимёвий ва механик хусусиятларга таъсири аниқланди. Саноат чиқиндилари никотин кислотаси, капролактама, фосфат шлак ва таркибида марганец тутувчи рудалардан фойдаланилганда бойитилган суперфосфатнинг гранулалар мустаҳкамлиги 1,2-1,8 кгс/см²га ошиши, айрим намуналарда гигроскопиклик нуқтасининг 70,45-72,05% га ортиши кузатилди.

6. Марганец билан бойитилган суперфосфат ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган. “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ НМ ва ҚҚ ИИБ (“Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси”)да тажриба синов ишлаб чиқариш жиҳозида Каратоғ фосфорити ва металлургия саноати чиқиндилари фосфат шлаки асосида 1000 кг бойитилган суперфосфатнинг синов партияси ишлаб чиқарилган. Ўғит гигроскопик эмас, гранулаларнинг мустаҳкамлиги, 23,10-24,33 кгс/см², сочилувчанлиги 100%.

7. Ўзбекистон Республикаси “Наслчилик, уруғчилик ва пахта етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институти” Наманган филиали томонидан ўтказилган агрокимёвий синовлар марганецли ўғитлар билан бойитилган суперфосфатнинг пахтанинг вилт билан касалланишни 15-16% га камайиши ва пахта хомашёси ҳосилдорлигини оширишда юқори самарадорлигини кўрсатди. Микроэлементлари бўлмаган ўғитларга нисбатан микроэлементлари бўлган ўғитлар ҳосилдорлигининг ошиши 2-3 ц/га тенг. Шу билан бирга, иқтисодий самара гектарига 648,64 минг сўмга тенг.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/29.08. 2023.К/Т.66.02 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

ИСАКОВА ОЙГУЛ МАДАМИНЖОНОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
МАРГАНЕЦСОДЕРЖАЩЕГО ОБОГАЩЕННОГО
СУПЕРФОСФАТА**

02.00.13-Технология неорганических веществ и материалов на их основе
(технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ (PhD)**

Наманган – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2023.1.PhD/Т3437 в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан.

Диссертационная работа выполнена в Наманганском инженерно-технологическом и в Наманганском инженерно-строительном институтах.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Тураев Зокиржон

доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хамдамова Шохид Шерзодовна

доктор технических наук, профессор

Алимов Умарбек Кадырбергенович

доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Термизский государственный университет

Защита состоится «___» _____ 2024 г. в « 10 » часов на заседании Научного совета **DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02** при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7, Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71; e-mail: niei_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института за № ____, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2024 года).

О.К. Эргашев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

Д.Ш. Шеркузиев

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

А.С. Боймирзаев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. С сокращением пригодных для земледелия почв и увеличением населения планеты во всем мире, обеспечение продуктами питания становится первостепенной задачей. При этом внедрение в сельскохозяйственную практику интенсивных технологий и необходимость улучшения качества сельскохозяйственной продукции являются основными направлениями повышения урожайности. К их числу относятся и обеспечение агропромышленного производства эффективными минеральными удобрениями, средствами защиты растений, стимуляторами роста и развития растений, микроэлементными удобрениями. Для этой цели важно расширить и использовать ассортимент комплексных микроудобрений для правильного развития растений и повышения урожайности сельскохозяйственных культур.

На сегодняшний день в мире, в целях дальнейшего повышения урожайности сельскохозяйственных культур, проводятся научно-исследовательские работы по получению удобрений, содержащих не только азот, фосфор и калий, но и ряд микроэлементов. В этом аспекте особое внимание уделяется к разработке эффективных методов получения одиарных фосфорных удобрений с микроэлементами; обоснованию поведению используемых солей микроэлементов, катализаторов, промежуточных продуктов и отходов цветной металлургии в условиях производства удобрений и их влияние на физико-химические свойства готового продукта; созданию технологии производства одиарных фосфорных удобрений с микроэлементами с использованием вторичного микроэлементного сырья.

Интенсивное развитие производства удобрений в нашей республике, создание новых технологий производства служат увеличению конкурентоспособной продукции и ее количества. При этом достигнуты научные и практические результаты по использованию вторичных ресурсов промышленности при производстве микроудобрений. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы отмечены важные задачи, направленные на «... продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и роста объёма производства промышленной продукции в 1,4 раза»². В связи с этим, использование отходов химической промышленности и природного сырья в качестве источников микроэлементов при производстве удобрений, разработка эффективных методов получения одиарных фосфорных удобрений с микроэлементами, изучение поведения солей микроэлементов, продукция промышленности и цветной металлургии, отходы химической промышленности в условиях производства удобрений имеют большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

№ УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», № ПП-4937 от 28 Декабря 2020 года «О мерах по реализации инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2021-2023 годы», № ПП-4992 от 13 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», а также в других нормативных правовых документах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением VII этапа развития науки и технологии республики - «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Исследованиями по производству микроэлементсодержащих удобрений из различных солей и промышленных отходов, содержащих микроэлементы, занимались Набиев М.Н, Федюшкин Б.Ф., Тухтаев С., Осичкина Р.Г., Маннанова Р.А., Адылова М.Р., Усманов И.И., Таджиев С.М., Шамшидинов И.Т., Гумбатов М.О. и др.

Исследования Каталымова М. В., Пейве Я.В., Анспок П. И., Vortels Н., Viets E. G, Потатуевой Ю.А., Шегрова Л.Н. направлены, в основном, на получение различных соединений микроэлементов, изучению их характеристик, установлению норм внесения микроэлементов для основного внесения в почву, предпосевной обработки семян, некорневой подкормки растений, разработке научно-обоснованных рекомендаций по их применению для различных сельскохозяйственных культур и типов почв, расширению сырьевой базы микроэлементов и их классификации.

